

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Тоджимаматова Машхура Эркиновна, Бердиева Азиза Ғанишер қизи,
Эгамбердиева Ойдин Аброр қизи

ТАФУ “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси ўқитувчилари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11042114>

Аннотация. Мақолада кичик бизнес субъектларининг инвестицион фаоллигини ошириши масалалари бўйича статистик маълумотлар таҳлили, мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, асосий муаммолар ва таклифлар баён қилинган.

Аннотация. В статье описан анализ статистических данных по вопросам повышения инвестиционной активности субъектов малого предпринимательства, условий, созданных в нашей стране, основных проблем и предложений.

Abstract. The article describes the analysis of statistical data on the issues of increasing the investment activity of small business entities, the conditions created in our country, the main problems and proposals.

Калим сўзлар: кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик, инвестицион фаоллик, молиявий ресурслар, кредит, инвестиция муҳити, ялпи ички маҳсулот.

Ключевые слова: субъекты малого предпринимательства, частное предпринимательство, инвестиционная деятельность, финансовые ресурсы, кредит, инвестиционная среда, валовой внутренний продукт.

Key words: small business entities, private entrepreneurship, investment activity, financial resources, credit, investment environment, gross domestic product.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миронович Мирзиёев ташаббуси ва улар томонидан мамлакатимизда 2024 йил — “Ёшлилар ва бизнесни қўллаб қувватлаш йили” деб номланди.

Мамлакатимиз мустақилигининг дастлабки йилларидан бошлаб ушбу соҳани ривожлантириш учун хизмат қилувчи бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорлар хукуқларини химоя қилиш, молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил қилиш ва қонуний-хукукий базасини шакллантиришга катта эътибор қаратилди. Ушбу соҳа субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида охирги икки ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг олтмишдан ортиқ Фармон ва Қарорлари қабул қилинди. Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш» деб номланган учинчи йўналишида, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш каби чора-тадбирлар белгиланган¹. Очик статистик маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда кичик бизнес ўзининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

ўсиш суръатларини давом эттироқда. Жумладан 2019 йил якунларига кўра кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 56,7 % ни ташкил қилмоқда (2018 йил якунларига нисбатан 60,5 %). Ушбу пасайиш ЯИМ таркибидаги йирик корхоналарининг улушкини ортганлигини ҳам англатмоқда. Охирги йилларда кичик бизнес субъектларининг ЯИМдаги улуши барқарор равишда ўсиб бормоқда. Демак, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг умумий ҳажмида (савдо, қурилиш, саноат ва бошқа) бир йил ичидаги маълум бир қисмини, ушбу ҳолатда ярмини кичик бизнес субъектлари улушкига тўғри келаётганини тадқиқотларда кузатиш мумкин². Ҳорижий мамлакатлар билан солиширганда кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улуши Польшада – 51 %, Германияда – 53 %, Финляндияда -60 %, Нидерландияда 63 % ни ташкил қилган. Бугунги кунда мамлакат ЯИМда кичик тадбиркорлик субъектлари улушкининг қай даражада бўлиши уларда банд бўлган аҳолининг салмоғи, тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар ҳажми ва солиқ имтиёзларидан фойдаланаётган кичик бизнес субъектлари сонига ҳам бевосита боғлиқ³. Дунёда ишбилармонлик муҳити ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири Жаҳон банкининг (ЖБ) “Doing Business” ҳисботи бўлиб, у дунёнинг 190 мамлакатида 10 кўрсаткич бўйича иш юритиш кулайлигини баҳолайдиган ва дунёда тан олинган тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Мамлакатларнинг ушбу кўрсаткичдаги эгаллаган ўринлари (позицияси) нафақат яратилган ишбилармонлик муҳити, балки ҳалқаро бизнес жамиятида инвестицион қарорларни қабул қилишда муҳим бўлган мезон ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги №ПФ-4160 «Жаҳон банки ва Ҳалқаро молия корпорациясининг “Doing Business” йиллик ҳисботида Ўзбекистоннинг рейтингини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонининг асосий мақсади юкори ўринни эгаллашга қаратилган. Сўнги йилларда “Бизнесни юритиш” рейтинги бўйича қабул қилинган чора-тадбирларда Ўзбекистон 190 та дунё мамлакатлари ичидаги 138-ўриндан 69-ўринга кўтарилиган. Мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш бўйича қўйидаги шарт-шароитлар яратилган⁴: 1. Кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш учун 30 дақиқа вақт. Кичик бизнес субъектини хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш учун битта хужжат, юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун эса иккита хужжат талаб қилинади. 2. Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш қўйидагича амалга оширилади: субсидияланган фоиз ставкаларида имтиёзли банк кредитларини бериш; тадбиркорлик фаолитятини ривожлантиришни қўллаб-куватлаш давлат фонди томонидан кичик бизнес субъектларига берилётган кредитнинг 50 % фоизигача тижорат банклари кредитларининг фоиз тўловлари бўйича харажатларни Фонд томонидан компензация қилиш. 3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текшириш бекор қилинди; 4. Мамлакатимизнинг жойлардаги хусусийлаштирилган обьектларида лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлар учун ўқув курсларини ташкил

² Атаниёзов Ж.Х. – Ўзбекистонда интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришининг истикболли йўналишлари. “Ҳалқаро молия ва ҳисоб” имлйи электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил. 5-20 б;

³ А.Шовкатов, , А.Акрамов, Малый бизнес как основной драйвер экономики: состояние, проблемы развития и предлагаемые меры стимулирования. ИПМИ. Национальное информационное агентство Узбекистана. 25.12.2019.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йигилиши. Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот агентлиги. 23.07.2019 йил.

қилинди. Тадбиркорликни бошлаётган ёш тадбиркорларга нол фоиз ставкасида беш йилгача жойларни ижарага берилиб кластерлар ташкил қилинди. Қабул қилинган чоратадбирлар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги қулай бизнес мұхитини ва ижобий имиджини шакллантириш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги бошқарув тартиблари ва хуқуқий базани такомиллаштиришга йўналтирилган. 2010-2019 йиллар оралиғида олинган маълумотлар кичик бизнес учун яратилган қулай шарт-шароитларнинг яратилишини ва бизнес мұхитини бошқариш соҳасидаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ бўлган ижобий динмикани кўрсатмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳалигача қуйидагилар асосий муаммо сифатида қолмокда⁵: кичик бизнес субъектларининг хусусий маблағлари ва молиявий ресурсларининг камлиги сабабли замонавий ва юқори технологияли жиҳозларни ўзлаштира олмайди; тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер майдонларини олишдаги қийинчиликлар ва муаммолар, шунингдек мухандислик-коммуникация тизимиға уланишдаги муаммоларнинг мавжудлиги; ликвидилик ёки маълумотлар таъминотининг таъминланмаганлиги ўз фаолиятини бошлашда банк кредитларини олиш имкониятини пасайтироқда; кичик инновацион санаот ишлаб чиқаришни ривожланиши ва шаклланишини рафбатлантирувчи узоқ муддатли кредитларни олишни мураккаблиги; кичик бизнес маҳсулотларини худудий ва халқаро бозорларга чиқариш механизмларини самараисизлиги, шунингдек, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларидағи ташқи бозордаги рақобатнинг мураккаблиги ва ташқи бозорга чиқиш муаммолари; ахборот тизимлари, маркетинг, менежмент ва логистик хизматлар, суғурта компаниялари, аудиторлик фирмалари, савдо уйлари, маслаҳат марказлари, бизнес марказлар, бизнес инкубаторларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги; сотиш бозори (сбыт) ни ривожланмаганлиги, шунингдек хомашё ва материал бозарларининг ривожланмаганлиги; кичик тадбиркорлик бўйича профессионал-кадрлар тайёрлаш сифатининг кучсизлиги; назорат қилувчи органлар сонининг қўплиги. Кичик корхоналарнинг замонавий технологиялар билан таъминланиш даражасининг пастлиги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқара олмайди. Бизнинг фикримизча, кичик бизнесни ривожлантиришда уларнинг йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, йирик санаот тармоғи, жумладан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника, қурилиш материаллари, кимё, автосанаот корхоналари билан кичик бизнес ўртасида санаот кооперациясини йўлга қўйиш; ҳамкорлиқда харидорлар талабини ўрганиш; молия-санаот гурухларини шакллантириш; кичик тадбиркорлик бўйича профессионал-кадрлар тайёрлаш; маслаҳат ва технологиялар трансфер марказларини ташкил қилиш; Кичик бизнес субъектлари инвестицион фаолигини оширишга қуйидагиларни таклиф сифатида келтириш мумкин⁶:

1) Кедитлар бўйича фоиз ставкаларини пасайтириб борилиши кичик корхоналарга харажатларни камайтиришга ва молиявий барқарорлигини таъминлашга имкон беради, чунки жаҳон амалиётида кредит ставкаси қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш ва истеъмол талабининг ўсиши янада кучаяди.

2) Германия ва Австрия тажрибаси асосида тадбиркорликни ривожлантириш учун тадбиркорлик кўникмаларига эга бўлган кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш.

⁵ Муаллиф фикри

⁶ Муаллиф фикри

3) Йирик корхоналар ва кичик бизнес субъектлари ўртасидаги кооперацион алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, кооперация ярмаркаларини ўтказиш.

4) Ер масалалари, бино ва иншоатларни ижарага бериш ёки эгалик қилиш хуқуқини беришда рўйхатга олиш жараёнларини соддалаштириш.

5) Тадқиқот ва ишланмалар, янги технологияларни тарқатиш соҳаларида тадбиркорлик ва инвестиция рискини камайтиришга қаратилган давлат ва хусусий шерикчилик алоқаларини ривожлантириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин-ки, кичик бизнес субъектлари инвестицион фаолигини оширишда улар билан саноат корхоналари ўртасидаги кооперацион алоқаларни янада ривожлантириш зарур. Бу ўз навбатида самарадорликни оширишга муносиб ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 июль қуни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йиғилиши. Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот агентлиги. 23.07.2019 йил.
3. Атаниёзов Ж.Ҳ. – Ўзбекистонда интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил. 5-20 б;
4. А.Шовкатов, А.Акрамов, Малый бизнес как основной драйвер экономики: состояние, проблемы развития и предлагаемые меры стимулирования. ИПМИ. Национальное информационное агентство Узбекистана. 25.12.2019.